

Навоийда қарор ижроси бўйича семинар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724-сонли қарори мазмун моҳиятини тарғибот ва ташвиқот Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Навоий вилоят ҳудудий бўлимида жорий йилнинг 1 февраль куни йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда қарор асосида ташувчи корхоналар томонидан йўловчиларни шаҳар атрофида ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда (қишлоқ жойларда) автобуслар ва микроавтобусларда ташиш ҳажми бўйича ягона солиқ тўловидан озод қилиш механизми, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил учун давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699 сонли қарори асосида мажбурий тўловлар ва солиқ ставкаларидағи ўзгартиришлар, кичик бизнес соҳасида солиқ қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли қарори асосида Лизинг ҳисобига автотранспорт воситалари олиш асослари, лизинг операцияларида солиқ ва бухгалтерия ҳисоби, маҳаллий бюджетдан (автостанция қуриш, реконструкция қилиш мисолида) маблағлар олиш механизми, шаҳар йўловчи ташиш транспортида нақд пулсиз тўловни ҳамда, масофадан онлайн кузатиши GPS тизимини амалга ошириш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бош иқтисодчиси Бекзод Ҳолматов чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724-сонли қарори тўғрисида гапириб, қарор асосида очиладиган янги йўналишлар, сотиб олинадиган янги автобуслар, янги қуриладиган автостанциялар ва бу тадбирларни амалга ошириш учун тармоқ жадваллари ишлаб чиқилганлиги ҳамда қарорда кўрсатилган имтиёзларни кенг ёритиб, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни атрофлича муҳокама қилди.

“Престиж миллениум” МЧЖ томонидан дастур доирасида 2017 йилда сотиб олиниши керак бўлган 20 дона автобусларни банк кредит маблағларига ёки лизинг асосида олиш ўртасидаги тафовут ҳисоб китоб қилиниб жамият раҳбарига керакли тавсиялар берилди.

Йиғилишда солиқ бўйича консультант, аудиторлар палатаси аъзоси Анвар Салимов, Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби аудитни бошқариш бўлими бош иқтисодчиси Бехзод Маматов, “Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив-техник тахъминлаш” Республика маркази мутахассиси Нажмиддин Гулямов ўз мавзулари юзасидан маъruzalар қилишди.